

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (11.412)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Киска сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни» мавзuida ўтказилган давра суҳбати азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** «Ўзстандарт» агентлигида ўтказилган республика амалий анжумани маҳсулотларни сифатли тайёрлашда назорат тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида аҳолининг, хусусан, ёшларнинг ахборот ресурс марказларидан фойдаланишида уларни зарур манбалар билан таъминлашнинг самарали усуллари бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали драма театрида санъаткорлар иштирокида ўтказилган хотира кечаси атоқли бастакор Тўхтасин Жалилов таваллудининг 114 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа лицейида «Чўчка гриппи тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзuida уюштирилган семинарда ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган илмий-амалий семинар «Кийиниш маданияти ва саломатлик» деб номланди.

● **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида олий ўқув юрталари талабалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида «Шахримиз тарихини биласизми?» мавзuida ўтказилган викторина-танлови азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Пойтахтимиздаги

Бобур номли маданият ва истироҳат боғида ўсмир-ёшларнинг ижод кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.



КУЧ — БИЛИМ ВА ТАҒАҚКУРДА

Шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол иштирокида ташкил этилган мазкур тадбир кўлами кенглиги билан эътироф этилмоқда, кўпчилик эътиборини тортмоқда.

Дарҳақиқат, Бобур боғида айни кунларда ўзига хос катта ижод марказига айланган десак бўлади. Кўпчиликка хушманзаралиги билан манзур бўлаётган шу манзил бўйича икки кундан буён пойтахтимиздаги юзлаб тўғараклар ўзларининг ранг-баранг ахборот «девор»лари ва албатта, болажонларнинг ижод намуналари билан кўргазмада катнашмоқда. Бу ерда ижодиёт ва техник марказлари, бевосита мактаблар қошида очилган тўғараклар жам бўлган, шунингдек, спорт мактаблари ва мажмуалари, мусиқа ва санъат мактаблари ҳам ўз имкониятларини кўз-кўз қилишга эришди.

Боғдаги сахналар ўқувчилардан ташкил топган ижодий гуруҳлар, спортчи-

лар, техник ихтирочилар учун беллашув майдонларига айланган.

Бевосита ижодий марказларнинг тарбияланувчилари ўзлари шуғулланаётган тўғаракларини гуё реклама қилиб тасвирлашга уринаётганлари билан ҳам кўпчилиكنинг эътиборини тортмоқда. Болажонлар рассомчилик, каштачилик, кулолчилик, кўлаб амалий хунарлар бўйича орттириб улгурган маҳоратлари билан ўртоқлашмоқда.

Буларни кузатган ҳар бир кишида, албатта, ҳам ҳавас, ҳам гуруҳ ҳисси уйғониши табиийдир. Зеро, буларнинг бари — фарзандларимиз учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар маҳсулидир.

— Дарҳақиқат шундай, бироқ бу — тадбирнинг бир томонига таъриф ҳолос. Асосий иштирокчилар — ўқувчилар, ота-оналардир. Ўзига хос шоу-кўргазмадан кўзланган мақсад — фарзандларимизнинг тўғаракларга, айниқса таътил пайтларида янада фаолроқ қатнашишлари учун имконият яратиб бериш, умум-

ман, бўш вақтларининг бундан-да мазмунли, фойдали ўтишини таъминлашдир, — дейди Вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссиясининг масъул котиби Мадамин Умаров. — Ижод билан биргаликда ўзлаштирилаётган билим инсон дунёқараши, тафаккурининг ривожланиб, кенгайишига асос бўлиб хизмат қилади. Биз, катталар — ота-оналар, ўқитувчилар, устозлар ўғил-қизларимизда бошланғич ижод нуқталарини қанчалик эрта аниқлай оلسак, қизиқишларини шунчалик тўғри ва улар фойдасига йўналтиришимиз осон кечади. Нафақат педагогик тажриба, балки ҳаётдан ҳам шу яхши маълумки, фарзандни болалик чоғидан фойдалаи ва айнан унга қизиқарли бўлган меҳнат билан таништириб, шуғуллантириб борилса, албатта бесамар кетмайди. Бундай бола келажақда қомил инсон бўлиб шаклланади, аниқ мақсадлар сари интилувчан шахс бўлиб воғга етади.

(Давоми 2-бетда).



АҚШДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси кўмаги ва мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби нашр этилди.

Ислон Каримовнинг Америкада чоп этилган китобига ёзилган сўзбошида жумладан шундай сўзлар келтирилган. «Америка — Ўзбекистон савдо палатаси Ўзбекистон Президентининг китоби ҳозирги мураккаб иқтисодий вазиятдан чиқиш йўллариини излаётган ҳар қандай китобхон учун муҳим қўлланма бўлади деб ҳисоблайди. Ушбу асар Фарб ўқувчиларида дунёнинг бир қатор иқтисодий ривожланган мамлакатлари тўқнаш келаётган кўлаб муам-

моларни алоҳида олинган бир давлат нечоғли самарали ҳал этаётгани ҳақида тасаввур уйғотиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга».

Китобнинг **М. Тэтчер ва Ж. Мейжор бош вазирлиги даврида кўп йиллар Буюк Британия ҳукуматининг вазирлик лавозимларида фаолият юритиб келган сэр Ричард Нидэм** томонидан ёзилган муқаддима қисмида таъкидланишича, «Ушбу сермазmun ва изоҳларга бой асарда дунёда

кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида унинг оқибатларини енгилаштириш, шунингдек, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий сифатининг истиқболлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мулоҳазалари ўз аксини топган».

— Президент Ислон Каримов молиявий таназулга олиб келган илгариги йўналишдан қандай халос бўлишни ва шу билан бирга Халқаро кредит агентлиги томонидан барқарорлик

рейтингини олган Ўзбекистон банк тизимининг мустаҳкамлигини аниқ кўрсатиб берган. Бу мамлакат келажагини яратишга асос бўладиган муҳим пойдевор ҳисобланади. Муаллиф иқтисодий ва молиявий ўсишга асосланган ҳар томонлама ривожланиш, транспорт ва энергетика инфратузилмасини яхшилаш, шунингдек, техник ва олий таълимнинг даражасини ошириш стратегиясини теран ва батафсил баён қилади.

Шу билан бирга, китобда

солиқ юқини камайтириш орқали ва «Микрокредитбанк»нинг молиявий кўмагида кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг муҳимлиги таъкидланади. Президент Ислон Каримов хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини қисқартирган ҳолда юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарларни инновацион ва замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш бўйича босқичма-босқич тадбирларни амалга оширмоқда. У фермерлик ҳаракати эркинлик бериш, уларни молиялаштиришни яхшилаш, ер ҳудудларини кенгайтириш ҳамда улар меҳнатини кўпроқ механизациялаштириш зарурлигини тeraan аанглайди ва қўллаб-қувватлайди, — дейди муқаддима муаллифи.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизга ташриф буорган Малайзия парламенти Вакиллар палатаси Спикери Тан Сри Пандикар Амин Ҳожи Мулиа раҳбарлигидаги делегация кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг илмий-амалий семинари Термизда бўлиб ўтди. Семинарда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни бажариш учун мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш йўллари тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг сайёр йиғилишида «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● 19-20 май кунлари Фарғонада «Агророминтехэкспо — 2009» халқаро ихтисослашган агросаноат кичик технологиялар ва ускуналар минтақавий кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Кўргазмага Фарғона вилоятининг барча туманларидан фермерлар, тадбиркорлар, агрофирма вакиллари келиб, ўзларига зарур замонавий кичик технологиялар сотиб оlishди.

● Наманган туманида «Менинг ҳовлим — менинг Ватаним» шиори остида кўриктанлов ўтказилди. Танлов натижаларига кўра энг озода, энг обод ва кўркам хонадонлар соҳиблари ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Мирзачўл туманида ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида тумандаги 36 та ташкилот ва корхона, 17 та фермер хўжалиги, 5 та хусусий фирма ва 15 нафар миллий хунармандчилик тадбиркорлари ўзларининг 219 та бўш иш ўринларини тақлиф этдилар. Шу кунни асосан касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда вақтинча ишсизлардан 201 нафари муқим иш жойларига эга бўлишди.

ЖАҲОНДА

● Шри-Ланка Президенти Махинда Ражапакса парламент вакиллари олдида сўзга чиқиб, «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳи устидан тўлиқ галабага эришилганлиги ва мамлакатда 1983 йилдан бери давом этиб келаётган фуқаролар урушига чек қўйилганлиги ҳақида расмий баёнот берди.

● Миср Президенти Хусни Муборак муайян сабабларга кўра ўзининг АҚШга ташрифини бекор қилди.

● АҚШ Сенати Гуантанамодаги қамоқхонани ёпиш учун маблағ ажратилишини рад этди.

● Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдоларда нефтнинг нархи сезиларли даражада ошганлиги кузатилди.


● Индонезияда «С-130 Hercules» русумли ҳарбий самолёт ҳалокатга учради. Жакартадан кўтарилган мазкур ҳаво лайнерининг парвоз пайтида мувозанатни йўқотиб Ява оролида фалокатга йўлиққанлиги оқибатида самолёт бортидаги 13 нафар экипаж аъзоси ҳамда 96 нафар йўловчидан 78 нафари ҳалок бўлгани айтилмоқда. Воқеа юзасидан текширув ишлари амалга оширилмоқда.

● Кеча Ирқоннинг Бағдод шаҳрида амалга оширилган йирик кўпорувилик ҳаракатининг қурбонлари сони 34 кишига етди.

● Италиянинг «Fiat» автомобилсозлик компанияси оғир кунларни бошидан кечираётган машҳур «Opel» компаниясини харид қилиш учун талабнома берди.

● АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг Оқ уйда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилишича, АҚШ ҳукумати Покистонга 110 миллион АҚШ доллари миқдоридан инсонпарварлик ёрдами кўрсатмоқчи. Ушбу маблағнинг бу ердаги 2 миллион қочоқ учун сарфланиши режалаштирилган. Маблағнинг 26 миллион доллари шу кунларда ажратилиши кутилмоқда.

● Олимлар сайёрамизнинг коинотдан олинган тасвири ёрдамида тундаги энг ёрқин шаҳар Лас-Вегас эканлигини аниқлашди. Лас Вегасдан сўнг ёрқинлик боғида Нью-Йорк, Париж, Токио ҳамда Мехико ўрин олган. Космонавтларнинг айтишича, шаҳарларда ёритилган транспорт йўли коинотдан ҳудди одамнинг қон томири каби аниқ-тиниқ кўринар экан.



ТОШКЕНТНИ ГУЛЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

«Шарқ дарвозаси» деб номланган халқимизнинг ғуруру ифтихори бўлмиш гўзал, қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкентимиз кўз ўнгимизда йилдан йилга обод ва кўркем шаҳарга айланиб бормоқда. Яқинда пойтахтимизда Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий йил биринчи чораги якунлари ҳамда Инқирозга қарши дастурда белгиланган вазифалар ижроси муҳокамасига бағишланган шаҳар фаолларининг кенгайтирилган йиғилишида юбилейга муносиб тўхфа сифатида азим шаҳримизни гуллар шаҳрига айлантириш ташаббуси фаоллар томонидан қўллаб-қувватланди.



Дарҳақиқат, айна кунларда ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари гувоҳи бўлаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи олдиндан пойтахтимизда бунёдкорлик, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин олиб борилаётган.

Юбилейни муносиб кутиб олиш доирасида белгиланган тадбирлар кенг қулоқ ёзган. Бу борада барча туманларда ободонлаштириш ишлари авжидида — меҳнат жамоалари, ўқув юрталари, маҳаллаларда атроф ҳудудларга орасталлик, файз-тароват бахш этиш ниятида хашарлар уюштирилиб, хиёбон, кўчалар, ариқ, зовурлар тозаланаётгани, дарахтларга шакл берилиб, янги кўчатлар ўтказилаётгани, гуллар экилаётганини кузатиш мумкин.

Айниқса, шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ишчи-хизматчиларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Уларнинг самарали саъй-ҳаракатлари туфайли пойтахтимизнинг барча ҳудудларининг санитария тозаллиги талаб даражасида таъминланмоқда. Хиёбонлар, шохкўчалар, дам олиш масканлари, кўп қаватли уйларга ёндош ҳудудларда ландшафт лойиҳа ечимларидан фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бош бошқармадан бизга маълум қилишларича, пойтахтимизда режага кўра 4 миллион 547, 6 минг донга гул экилиши кўзда тутилган бўлса, ҳозирда 2,5 миллион дондан кўпроги ўтказиб бўлинган. Кўкун гули, гултожиҳўроз, тагедис, цения, шафран, катарантус каби бир-биридан чиройли, турли ранг, шакл ва шамойилдаги кўчаларни қувватувчи бир йиллик гуллар пойтахтимиз тароватига ажиб сеп бўлиб қўшилмоқда.



Тошкентни гуллар шаҳрига айлантириш ташаббуси доирасида масалан, ўтган йили шаҳримизда 50 та гулхоналар ташкил қилинган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 2-3 баробарга кўпаяди. Шунингдек, муайян турдаги, яъни манзарали, узок йиллик, мевали, экологиями, мусаффолигини таъминлашга хизмат қилувчи дов-дарахтлардан 87690 туп мевали ҳамда 70000 туп манзаралилари ўтказилиб, шаҳримиз яшил камари

қамрови кенгайтиришга ободончилар муносиб ҳиссаларини қўшаётдилар.

Ободончилар айна кунларда барча туманларда самарали меҳнат қилишмоқда. Чунончи, Амир Темура хиёбонидида олиб борилаётган ишлар поёнига етгач, у янада гўзаллашиб, кифоаси анчайин ўзгаради, жозибадор бўлади. Жумладан, ишчи-хизматчилар йўллар, йўлакларни тубдан жорий таъмирлаш, чим ётқириш, майса-

зорларни, канал, зовур, кичик суғориш шохобчаларини тозалаш ишларини амалга оширишмоқда. Шаҳримизни озода, саранжом-сарийшта сақлашда ободонлаштириш ойлиги давомида корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, маҳаллалар аҳолиси яқиндан ёрдам кўрсатишди.

Олижанобликка, юртга бўлган меҳр-муҳаббатга йўғрилган хашарларда кенг жамоатчиликнинг ҳам ҳиссаси бекиёс, албатта. Кун сайин чирой очиб бораётган пойтахтимиздаги бунёдкорлик, яратувчанлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, орасталаш ишларида барчамизнинг ҳиссамиз бўлса, шаҳримизнинг кутлуғ тўйини муносиб кутиб оламиз.

МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишга жойларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари шаҳримизни гуллар шаҳрига айлантириш ташаббуси кенг қулоқ ёзмақда.

Ҳакимжон Солихов ва Алексей Попов олган суратлар

Азал-азалдан маълумки, оила ҳаётнинг кўзгуси. Миллий қадриятлар, умуминсоний туйғулар, меҳр-оқибат, қадрият каби гўзал бадилларнинг бари аввало оилада шаклланади ва сайқал топади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш, асраб-авайлашга катта эътибор қаратилаётган.



Танловлар

ЭНГ НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

Хусусан кун кеча Марказий офицерлар уйда «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг республика босқичи юқори кўтаринчилигида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги та-

одобини шакллантириш, эътиборлиси, ҳарбий оилада камол топаётган фарзандларнинг тарбиясини тўғри йўлга қўйишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Танлов иштирокчиларининг ҳар бир шарт бўйича юракдан айтаётган шеър, қўшиқ ва сахна кўринишлари томошабин ва меҳмонлар томонидан қарсақлар билан олқишланиб, тадбирнинг ниҳоятда серзавқ ва чиройли ўтишига хизмат қилди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан голибни аниқлаш осон кечмади. Чунки ҳар бир оиланинг танловга ниҳоятда пухта тайёрланиб келгани, шартларни алоҳида меҳр билан бажариб, голибликка интилиш ҳиссида яққол кўриниб турди. Ниҳоят барча томошабинлар олқишлари, иштирокчилар фикрлари инобатга олиниб кичик сержант Жамшид Хусайновлар оиласи «Энг намунали ҳарбий оила» сифатида биринчи ўринга лойиқ деб топилди, кейинги ўринлардан ҳам муносиблар жой олди. Барча танлов қатнашчилари

Мудофаа вазирлигининг Фахрий ёрлик ва қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва ракс ансамбли ва ёш истеъдодли хонанда-ларнинг она Ватан, дўстлик, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи қувноқ ва шўх куй-қўшиқлари тадбирга янада завқ бағишлаб, кўнгилларга бир олам шодлик ва кўтаринчилик бағишлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Марказий Офицерлар уйда бўлиб ўтган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловидан лавҳалар

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Хунар тўғрақларини боланинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда дастлабки поғона деса бўлади. У ўз орасига ўз қўли, меҳнати билан етади, ихтиро қилади. Бу эса унинг янгидан янги марраларга интилишига заминдор. Бугунги кунда бола тарбияси ота-она, оила даврасидан анча кенг миқдосга кўтарилган — давлат даражасидаги масалага айланган. Буни англаш қийин эмас. Давлатимизнинг ёрқин келажиги бугунги ёш авлод қўлида. Улар қандай кишилар сифатида вояга етади? Бу — бугунги куннинг долзарб саволи бўлса, унинг тўғри жавоби ҳам биз, катталарга боғлиқ...

Ташкилотчилардан олинган дастлабки маълумотларга кўра, кўргазмага биринчи кун 54 мингга яқин ўқувчи ташриқ буюрган бўлса, шулардан 39 мингдан зиёди ўз қизиқиши бўйича тўғрақ-

ларга аъзо бўлган.

БУГУН Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ўқувчи-ёшларимиз билан яна гавжум бўлди. Бу сўлим масканда уларга ўнлаб ўйингоҳлар шай бўлганига қарамадан, болажонларни кўпроқ тенгқурлари ижоди қизиқтирмоқда, уларга турли танловларда ҳамкор бўлишга ҳаракат қилишмоқда ва албатта, улар каби бирон-бир хунар ўрганиш ниятида қизиқишлари бўйича тўғрақларга ҳам ёзилишга интилишаётди...

Кўргазмадан сўнг **БУГУН** «Туркистон» саройида ижодий марказлар тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган «Тошкент истиқболлари» танловининг шаҳар босқичи ҳамда гала-концерт бўлиб ўтди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: ўсмир-ёшларнинг ижод кўргазмаларидан лавҳалар

Ҳакимжон Солихов олган суратлар

Долзарб мавзу

БАРЧАДАН ФАОЛЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда. Республикада ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимизда бугунги кунда турли йўналишлар бўйича изчил татбиқ этилмоқда.

Куни кеча «Шаҳар йўлқурилиш ва таъмирлаш трести» очик акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ўртасида бўлиб ўтган тадбир ҳам айнан жаҳонда юзага келган мазкур жараёнга тўғри баҳо бериш, унинг сабаблари ҳақида маълумотга эга бўлиш, шу билан бирга республикамиз шароитида инқирознинг салбий таъсиридан бартараф этиш йўлини олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қаратилди.

Тадбирда сўз олган техника фанлари доктори, профессор Садриддин Салимов мавзу доирасида фикр юритар экан, мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Асарда жаҳон молия-

вий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тугдираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, — деди жумладан С. Салимов. — Ушбу асарнинг моҳияти ва аҳамияти ҳам мана шундаки, унда жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатлари тўғри баҳолашиб, имкон қадар ундан тез чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида, умуман олганда эса дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинадиган чора-тадбирларнинг қанчалик самара беришига боғлиқ экани таъкидланган.

Корхона ишчи- хизматчилари ва раҳбар ходимлар иштирок этган ушбу

тадбирда мамлакатимизда молиявий-иқтисодий соҳалар банк- кредит тизими барқарор ишлаши учун зарурий ресурслар мавжудлиги, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириб бориш имкониятлари етарли эканлиги ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Демакки шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир соҳа ходими истиқболли ва кенг қўламли ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатиши лозим. Шундагина жаҳон аҳлини ташвишга солаётган инқирознинг жиддий оқибатларини бартараф этиш мумкин эканлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоблар олдилар.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

АҚШДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

«Ушбу мураккаб даврда Президент Ислам Каримов китобхонага мамлакат сўнги йилларда бошидан кечирган ўта муҳим бўлган ҳақида айтиб ўтди. У тижорат банклари мустаҳкам ва барқарор ҳолатда эканлиги ҳамда ўзлаштирилган хорижий сармоялар миқдори охиригича икки йил ичида 2,5 бараварга ошганини ҳолисона таъкидлади. Экспорт тизими ва Осиё давлатлари билан савдода тайёр маҳсулот улушининг ўсиши кузатишмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастури мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий йўналтирилган ва эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг олдиндан белгиланган беш тамойилига асосланган. Ушбу тамойиллар бугунги кунда янада улкан аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, прагматизм, қонун устуворлиги тамойилларини ҳаётга татбиқ этишдаги ютуқлар, кучли ижтимоий сиёсат (айниқса ҳозирги даврда) ва ислотларни амалга оширишда изчиллигини таъминлаш — Ўзбекистон муваффақиятининг гаровидир.

Асарнинг бошида Президент «Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун ҳалқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади» ва жорий инқироз бизни четлаб ўтиб кетади, деб ҳулоса чиқармаслик кераклигини айтиди.

— Айни пайтда, — деб ёзади сэр Ричард Нидэм, — китобда Президент Ўзбекистон иқтисодий моделининг кучли жиҳати ургу беради, давлатнинг заиф томонларини ҳам ҳолисона кўрсатади, таҳдидларни тушунтиради. Энг муҳими, у мавжуд қулай шароитларни аниқ ёндалади. Президент мамлакатнинг нафақат Марказий Осиёда, балки ундан ташқарида ҳам тараққиёт ва таъсирини оширишига хизмат қиладиган режа ишлаб чиққан.

Ушбу кучли сиёсий ташаббуслар ва тамойилларнинг ягона тизимга бирлашуви ҳатто дунёда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар устидан назорат қулайтирилган ҳозирги шароитда ҳам Ўзбекистонга ўз мавқени мустаҳкамлаш ва халқаро савдода улушини ошириш имконини беради».

Ўзбекистон Президентининг китоби ҳақида АҚШ ишбилармон доираларининг таниқли вакиллари ҳам ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг раиси Гарри Юстас: «Бугунги кунда Ўзбекистон бюджетини дефицит ўрнига профицитга, инфляциянинг кўзда тутилган прогноз кўрсаткичларининг кам даражасига, янги иш ўринлари яратишга ва ташқи савдонинг 20 фоиздан зиёд ўсишига эришган. Бу Ўзбекистон танлаган ва амал қилаётган тамойилларнинг шубҳасиз тўғри эканлигини исботлайди. Президент Ислам Каримовнинг сермазун китобини мурола қилиш ушбу мамлакатнинг фундаментал асослари ва иқтисодий сиёсати билан яқиндан танишишга имкон беради. Ушбу тамойиллар риюя этиш Ўзбекистоннинг бутун Марказий Осиё тараққиётининг етакчисига айлантиради».

«Executive Action, LLC» компанияси раиси ва бош ижрочи директори Нейл Ливингстон: «G-20 гуруҳига кирувчи давлатларнинг навбатдаги саммитида Ислам Каримовнинг Инқирозга қарши чоралар дастурини чуқур ва жиддий ўрганиш зарур. Асосий эътибор «хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омил сифатида янада жадал ривожлантириш»га қаратилиши кўрсатилади. Шунингдек, унинг бошқа кўлаб голяри сингари ушбу фикр ҳам теран маъно касб этади».

«UKEM Inc» компаниясининг ижрочи вице-президенти Тим Макгроу: «Ушбу фундаментал тадқиқотларга асосланган салмоқли асар ҳозирги мураккаб шароитда мамлакатни муваффақиятли бошқараётгани билан жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этаётган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг теран билим ва тафаккурга эга эканлигини намойиш этади».

«Жаҳон» АА, Вашингтон

ИЖОДКОР ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Ижодкор ёшлар» кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов доирасида амалий ва тасвирий санъатнинг сажизта йўналиши бўйича кўргазмалар фестивал ҳам ташкил этилди. Унда юртимизда фаолият юритаётган қатор олий таълим муассасалари талабалари ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш масаласи устувор вазифалардан ҳисобланади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан иқтидорли ёшларни излаб топиш, улардаги қобилиятни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ёшларни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялаш борисида амалга оширилаётган ишлар бу борада яхши натижа бермоқда. Ўзбекистон Давлат консерваториясида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Ижодкор ёшлар» кўрик-танловида ҳам талабалар ўз истеъдодларини намойиш этишди. «Энг яхши созанда», «Энг яхши суҳандон», «Энг яхши ташаббускор етакчи» каби йўналишлар бўйича ўтказилган танловда Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Миллий Рассомлик ва дизайн институти, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари ўзаро беллашди.

Ёшлар эртамиз эгалари. Олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизни рўйга чиқарувчи муҳим ижтимоий куч. Кўрик-танлов иштирокчилари бўлган ёш модельерларнинг асарларини кузатган киши бунга яна бир бор амин бўлади.

Анжуман давомида сўзга чиққанлар талабаларда ташаббускорлик, ташкилотчилик, баҳс-мунозарага қирриша олиш кўникмаларини ривожлантириш, билим олишга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

«Туркистон-пресс»



(Давоми.Боши 3-бетда).

18.00 «Кармелита. Цыганская...»
19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Сериал «Высший пилотаж».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.05 «Данный ответ».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«ТВ-3»

7.00, 9.30 Мультфильмы.
8.00 М/ф «Рорри. Приключения...

ПАЙШАНБА, 28

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Повара и повара».
8.30 «Женский взгляд».

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«Ташкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Поитакт».

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ЖУМА, 29

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Повара и повара».
8.30 «Женский взгляд».

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«Ташкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Поитакт».

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Повара и повара».
8.30 «Женский взгляд».

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«Ташкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Поитакт».

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Повара и повара».
8.30 «Женский взгляд».

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«Ташкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Поитакт».

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Повара и повара».
8.30 «Женский взгляд».

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«Ташкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Поитакт».

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Повара и повара».
8.30 «Женский взгляд».

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«Ташкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Поитакт».

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
8.00 «Повара и повара».
8.30 «Женский взгляд».

«СТС»

7.00 «Эврика». Сериал.
7.55 «Смешарики». М/с.
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Сериал

«Ташкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.
7.25 «Салом, Тошкент!».
8.25 Бизнес-«Поитакт».

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

ШАНБА, 30

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

«Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Хабарлар (рус. тил)».
8.00 «Малахов +».

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00,
22.40 2.00 Новости.

«Ешлар»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ешлар майдони».
7.30 «Миллий мультфильм».

Advertisement for Akmal Akromov, including contact information, address, and a list of services offered.